



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 20-iyun. Payshanba 74 (31.664)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОХОТЛАР ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июнь кунини Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришяётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2013 йилда 1381 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самарасида 2013 йилнинг биринчи чорагида Жиззах шаҳрида «Жиззах Тоштепа текс» тўқимачилик корхонаси, оҳақ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жиззах тоғ-кон кимё» корхонаси, Галлаорол туманида қурилиш куми ва шағал ишлаб чиқарилган корхона, Зафаробод туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган «Фаворит лiness» корхонаси, Жиззах ту-

манидаги «Жиззах чорва ба-рака» фермер ҳўжалигида сут-ни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган «Жиззах пластекс» Ўзбекистон — Германия қўш-ма корхонаси вилоятда енгил саноатни ривожлантириш бо-расида амалга оширилаётган ишларга яққол мисолдир.

Давлатимиз раҳбари ви-лоятга сафарини мазкур кор-хона билан танишишдан бош-лади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фаб-рика мамлакатимизда енгил саноатни изчил тараққий эт-тириш йўлида олиб борилаёт-ган кенг қўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир, деди Ислам Каримов. Собиқ тузум даврида пахта хомашё-си минг азоб ва қийинчилик-лар билан етиштирилса-да, уни юртимизда қайта ишлаш масаласига эътибор берил-маган. Аксинча бошқа ўлка-ларга ташиб кетилган. Мус-тақилликка эришганимиздан кейин пахтани ўзимизда қай-та ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Агар мустақилли-гимизнинг илк йилларида пахта толасининг 10-12 фоиз-ни мамлакатимизда қайта иш-ланган бўлса, бутунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ош-ди.

(Давоми иккинчи бетда.)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг эҳти-ёжманд қатламини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш учун курашади.

ЎзХДП: электорат манфаати ҳимояси

Кўппартиявий-лик тизимини ку-чайтиришга қара-тилган ислохот-лар мазмун-моҳиятига кўра, сиёсий партиялар Сайловолди дас-турларида илгари сурилган вази-фалардан келиб чиқиб, мамлакат тараққийотида ижобий таъсир этиши, бу йўлда аниқ натижаларга эриша олиши талаб этилади.



Валерий ХАРИТОНОВ олган суратлар.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

чоғида билдирилган фикрлар фракциянинг навбатдаги ташаббусига асос бўлди

Албатта, мазкур жараёнда ҳар бир сиёсий партиянинг парламен-тадаги фракцияси фаолияти тизим-ли ташкил этилиши муҳим маса-лалардан бири ҳисобланади. Яқин-да Олий Мажлис Қонунчилик па-

латаси Регламентига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали жорий қилинган меъёрлар, мута-хассисларнинг таъкидлашича, фракцияларнинг электорат, сай-ловчилар фикр-мулоҳаза ва так-

лифлари асосида ишлаш имкони-ни янада кенгайтиргани билан аҳамиятлидир.

Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги ЎзХДП фракцияси аъзо-ларининг ўз сайлов округларида

ўтказган учрашувлари натижалари таҳлилга бағишланган давра суҳ-батда шу масалага алоҳида тўхта-либ ўтилди.

(Давоми учинчи бетда.)

Муносабат

ҚАДРИ БАЛАНДНИНГ — ҚАДДИ БАЛАНД

Президентимизнинг мамлакатимиз мус-тақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Қарори билан танишарканман, қишлоғимнинг илгари қиёфаси, онамга эрга-шиб, дала йўлидан кетиб бораётган болали-гим, тракторчи сифатида кўрган-кечирганла-рим кўз ўнгимдан ўтди.

Мустақиллик туфайли меҳнати раҳмат билан тақ-дирланган, кўкрагини ер-дан кўтарган, қадди қад-ридан баландлаган деҳқон-ларнинг бири сифатида юксалиш ва янгиланиш-лардан кўнглим тўлиб, кў-зимга секин ёши келади.

Истиқлол — чин маъно-да менинг ҳам кадр-ким-матим. Биринчилардан бўлиб фермер сифатида 50 гектар ер олиб, деҳқон деган шарафли номни оқ-лашга эришдим.

Пахтачиликда, галлачи-ликда, боғдорчиликда, чор-ваччиликда қўйингки, қиш-лок ҳўжалигида маъмурий буйруқбозликка асослан-ган кўр-кўрона ёндашув-лардан воз кечилдики, аг-ротехник ишлар илмий асосда олиб боришмоқда. Аксариyat, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ўз-лари етиштирган хомашё-

дан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулкдорга ай-ланди.

2001 йилда «Меҳнат шух-рати» ордени билан тақ-дирланганимда раҳматли онам Ибодат Йўлдошева — Энди омон-омонлик замо-ни келди, ҳисобингки яна ҳам аниқ олавер. Ҳали бун-дан ҳам катта муқофотлар-га эришсан, — деганди.

2004 йилда «Ўзбекистон Қахрамони» олий унвони билан тақдирландим.

15-Шаҳанд сайлов округ-гидан халқ депутатлари ви-лоят Кенгаши депутати-ман.

Оддий тракторчидан чиқ-қан бир қишлоқ кишисига бундан ортқ эътибор, рағ-бат, ишонч бўладими.

Вилоятда саноатни ри-вожлантириш ва ишлаб чи-қаришни модернизация қилиш, тадбиркорлик, ки-чик бизнес ва касаначи-

ликни тараққий топтириш-га қаратилган бир қатор ҳукумат дастурлари доира-сида амалга оширилган ишлар ободончиликка, ян-ги иш ўринлари яратилиши ва халқимиз турмуш фар-вонлигига асос бўлди.

Юртимизнинг ҳар бир гў-шаши ўзига хос обод ман-зилга айланиб бормоқда. Фермер ҳўжалигимиз иш-чилари, борингки, ҳам-қишлоқларим турмуши ми-солида ҳам истиқлолнинг орзу мақсадларимизга эришишда мустаҳкам та-янч, руҳимизга гурур-иф-тихор бўлиб сингирганини бунинг ҳис қиламан.

Илгари шўро даврида далада ишлайдиган деҳқон ўз томорчасига қарама-си-дан маҳсулот етиштириб даромад қилмоқда. Бозор-ларимиз тўқинчилигини, рўзгор фаровонлигини таъ-минламоқда. Президентимизнинг водий аҳлига эъти-бори ва тақлиф-ташаббус-лари билан бутун Фарғона водийсини электр энергия-

си билан узлуксиз таъмин-лаш имконини берувчи янги Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси барпо этилади. Қамчиқ дово-нидан темир йўл олиб ўтқа-зиб, пойтахтга туташ янги Ангрен — Поп темирйўлини очиш тўғрисида Президен-тимиз яқинда таъкидлаган орзу-мақсад қўшни анди-жону, фарғоналикларнинг ҳам қучига куч бағишлади.

Қишлоқ жойларидан ети-шиб чиқаётган олимлар, жаҳонга машҳур спортчи-лар, турмушимиздаги ма-данний юксалишлар — бар-часи мустақилликдан. Бу-ни нафақат катталар, ёш-лар ҳам юракдан ҳис этиш-моқда.

Истиқлол қадримизни баландлатди, қадримизни тиклади. Дунё Ўзбекистон билан ҳисоблашиб тарақ-қибёт режаларини белгила-моқда. Истиқлолни асра-шимиз, янада ғайрату ши-жоатли меҳнатимиз билан тинчлик, тараққийёт барқа-дорлигини таъминлашимиз зарур.

Абдурайим ХОМИДОВ,
Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳанд ҳумо қуши»
фермер ҳўжалиги раҳбари,
халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги
ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси,
Ўзбекистон Қахрамони.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Худудларда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш, шу ор-қали аҳолини иш билан таъминлаш бўйича мамлакатимизда муҳим ишлар амалга оширилаяпти. Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ри-вожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори бу борада улкан аҳамиятга эга бўлмоқда.

ИНФРАТУЗИЛМА РИВОЖИ

белгиланган чора-тадбирларнинг изчил ижросига боғлиқ

Қарор асосида бажарилаётган ишлар натижасида транспорт ва коммуникация қурилиши ривож-ланмоқда, миллий автомагист-раль ҳамда темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объект-ларини қуриш ҳамда реконст-рукция қилиш, йўловчилар учун

халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароит яратиш ҳамда бунинг негизида янги иш жойлари ташкил этишга қара-тилган муҳим чоралар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Айтиш жоизки, бу ишлардан бевосита партияимиз электора-

ти манфаат кўради. Жойларда ижтимоий инфратузилма ривож-ланса, аҳолининг турмуш шаро-итлари яхшиланади, бандлик даражаси ошиб, кишиларнинг ҳаётга муносабати ўзгаради.

2-бет

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

«КАТТАБЎҒ»ДА ЎЗХДП ТАРАФДОРЛАРИ ЯНАДА КўПАЙМОҚДА

Партиянинг нуфузи бошланғич ташкилотларнинг самарали фао-лият юритишига боғлиқ. Қўйи бўйин партиянинг асосий таянчи сифатида фаол ҳаракат қилиши учун етакчи ташаббускор бўлиши, ўз ишига масъулият билан ёндашиши керак.

2

